



(S. СОҒЛИ ИЛОВА)  
“SQB Construction” МЧЖ  
таъсисчиларининг  
2021 йил 10 мартдаги  
15-сонли умумий йиғилиши  
баённомаси билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“SQB Construction”  
масъулияти чекланган жамиятининг  
Кузатув кенгаши тўғрисидаги  
Н И З О М И**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “SQB Construction” масъулияти чекланган жамияти (“Жамият”) Кузатув кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда “Қонун” деб юритилади) ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, унинг ривожланиш стратегиясини белгилайди ва корпоратив бошқарув тизимини амалга оширади.

4. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан сайланади.

**II. Кузатув кенгашининг ваколатлари**

5. Кузатув кенгаши ваколатига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ Кузатув кенгашига тааллуқли бўлган барча масалаларни ҳал қилиш киради.

6. Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш Жамият Бошқарувиغا берилишига йўл қўйилмайди.

**III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш**

7. Кузатув кенгаши аъзолари Жамиятнинг Уставида белгиланган тартибда Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

8. Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган шахс/шахслар чексиз қайта сайланиши мумкин.

Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган шахс/шахслар ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

9. Жамият ижро этувчи органининг, унинг шубба ва тобе хўжалик Жамиятлари бошқарув органларининг аъзолари, Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхонанинг раҳбари ҳамда айни шу шубба, тобе хўжалик корхоналарида ва унитар корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10. Кузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар Жамият Уставида ёки Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

**IV. Кузатув кенгаши Раиси**

11. Кузатув кенгашининг Раиси Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори билан тайинланади. Кузатув кенгаши Раисининг ўринбосари Кузатув кенгаши аъзолари орасидан кенгаш раиси томонидан тайинланади.

12. Кузатув кенгаши Раиси кенгаш ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши йиғилишини ташкиллаштиради ва унда раислик қилиб, йиғилишлар баённомаси юритилишини назорат қилади.

13. Кузатув кенгаши Раиси йиғилишда иштирок этмаган тақдирда унинг вазифалари Кузатув кенгаши Раиси ўринбосари томонидан амалга оширилади.

## **V. Кузатув кенгаши йиғилиши Регламенти**

14. Кузатув кенгашининг йиғилиши Кузатув кенгашининг Раиси томонидан ўз ташаббуси билан ёки Кузатув кенгаши аъзоси, Жамият ижроия органи ва Жамият Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилиши мумкин.

15. Кузатув кенгаши йиғилишини чақириш ва ўтказиш, одатда, чоракда камида бир марта амалга оширилади.

16. Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши аъзоларининг 60 (олтмиш) фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

17. Агар Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 60 (олтмиш) фоиздан кам бўлса, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини Жамият иштирокчилари умумий йиғилишига киритиши шарт. Бундай ҳолатда, Кузатув кенгашининг мавжуд аъзолари Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши олдида фақатгина ушбу масалани кўтариш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

18. Кузатув кенгаши йиғилишидаги қарорлар қатнашувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши йиғилишида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўладилар. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи овоз ҳисобланади.

Овоз бериш ҳуқуқини Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоларга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

19. Ҳар Кузатув кенгаши йиғилишида ўрнатилган тартибда баённома расмийлаштирилиб борилади. Баённома йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай расмийлаштирилиши лозим.

Баённомада қуйидагилар ўз аксини топади:

- ўтказилиш жойи ва вақти;
- йиғилишда қатнашаётган шахслар;
- йиғилиш кун тартиби;
- овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

Баённома Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этаётган аъзолар томонидан имзоланади ва бунда ҳар бир Кузатув кенгаши аъзоси баённомани тўғри раймийлаштирилгани бўйича жавобгардирлар.

## **VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

20. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши йиғилишида шахсан иштирок этиш, регламентга асосан йиғилишда муҳокама қилинадиган масала юзасидан ажратилган вақтда ўз фикрларини баён қилиш;
- Кузатув кенгаши ишини ташкил қилишда иштирок этиш, Жамиятнинг маълум бир давр мобайнидаги фаолияти тўғрисида ҳамда Жамиятнинг режалари тўғрисида маълумотларни олиш;
- Жамиятни ривожлантириш, унинг фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан Кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

- Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан Кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўланиши ва (ёки) уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ ҳаражатлари қопланиши мумкин.

Кузатув кенгаши аъзолари Қонунда ва Уставда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**21.** Кузатув кенгаши аъзолари қуйидагиларга ҳақли эмас:

- Кузатув кенгаши томонидан муайян қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатганлиги учун бевосита ёки билвосита ҳақ олишга;

- шахсий бойиш учун Жамият имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамият фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумотлар) фойдаланишга.

**22.** Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Жамият томонидан битим тузишдан манфаатдор бўлган ҳолларда бу ҳақда битим тузилгунга қадар Кузатув кенгашига маълум қилиш; бунда, бундай битимларни тузиш ҳақидаги қарор Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши шарт.

- Кузатув кенгаши йиғилишларида шахсан иштирок этиш, агар маълум сабабларга кўра иштирок этишнинг имкони бўлмаганда, бу ҳақда дарҳол кенгаш Раисини хабардор қилиш;

- Кузатув кенгаши аъзоси сифатида ўз фаолиятини олиб боришда Жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, оқилона ва виждонан ҳаракат қилиш;

- Кузатув кенгаши йиғилишлари кун тартибидаги масалаларни ҳамда қабул қилинаётган қарорларни синчиклаб ўрганиб чиқиш ва кенгаш қарорлари (баённомалари)ни ўз вақтида имзолаш.

Кузатув кенгаши аъзолари Қонунда ва Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**23.** Кузатув кенгаши аъзолари, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари қуйидаги ҳолларда Жамият томонидан битим тузилишидан манфаатдор шахслар деб эътироф этилади:

- битим тарафлари ҳисоблансалар ёки Жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ифодаласалар;

- битим тарафи ҳисобланувчи ёки Жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахс акцияларининг (пайлари, улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлсалар (ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки жамланган ҳолда);

- битим тарафи ҳисобланувчи ёки Жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахснинг бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган бўлсалар.

## **VII. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори**

**24.** Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариш даврида кенгаш аъзоларининг вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатлар учун ҳақ тўланади ва/ёки қопланади. Бундай ҳақ ва компенсация миқдори ушбу Низом билан белгиланади.

**25.** Кузатув кенгаши аъзоларига қуйидаги ҳақ турлари тўланади:

- асосий (белгиланган) ҳақ;

- қўшимча ҳақ (рағбатлантириш).

**26.** Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш манбаи Жамиятнинг жорий (пул) маблағлари ҳисобланади.

**27.** Кузатув кенгаши аъзоларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари сифатида уларга юкланган вазифаларни тўғри бажариши ва Жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари – Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажарилиш кўрсаткичлари қабул қилинади.

**28.** Кузатув кенгаши аъзоларига асосий (белгиланган) ҳақ уларга Жамият бошқаруви билан боғлиқ юклатилган вазифаларни тўғри бажарганлиги ва йиллик бизнес-режада белгиланган молиявий натижаларга эришганлиги учун тўланади.

**29.** Кузатув кенгаши аъзоларининг фаолиятига ҳақ тўлаш маблағлари Жамият ҳаражатларига тааллуқлидир.

**30.** Асосий (белгиланган) ҳақ тўлаш миқдори ушбу Низом билан белгиланади ва Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тузиш ва тасдиқлашда ҳисобга олинади. Чораклик асосий (белгиланган) ҳақ миқдори, Жамият бизнес-режасини тасдиқлаш санасидаги Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан (МҲЭКМ) келиб чиқиб, қуйидаги тартибда белгиланади:

- Кузатув кенгаши Раисига – 8,0 (саккиз) МҲЭКМ;
- Кузатув кенгаши аъзоларига – 6,0 (олти) МҲЭКМ.

**31.** Ҳар чоракда асосий (белгиланган) ҳақ тўлашда Кузатув кенгашининг тегишли чоракда ўтказиладиган йиғилишларида Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосининг шахсий иштироки (баённомалардаги имзоси) ҳам ҳисобга олинади.

Кузатув кенгаши йиғилишларида ҳар бир аъзонинг шахсий иштироки натижалари ҳар чоракда жамланади ва ҳар чоракда асосий (белгиланган) ҳақ тўлашда ҳисобга олинади.

**32.** Ҳисобот йилида Жамиятни самарали бошқариш учун Кузатув кенгаши аъзоларига Жамият бизнес-режаси параметрларини бажарилиш натижаларига кўра қўшимча ҳақ (рағбатлантириш) тўланади.

**33.** Натижалар, шу жумладан, бизнес-режани амалга ошириш муддати ва кўлами Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган қўшимча ҳақ (рағбатлантириш) миқдорларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**34.** Жамият томонидан бизнес-режа параметрларини бажарилиш натижалари, Кузатув кенгаши фаолияти натижалари Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг Жамиятнинг йил якуни бўйича ўтказиладиган мажлисида кўриб чиқилиб, қониқарсиз (паст), қониқарли ва юқори деб ҳисобланиши мумкин.

**35.** Қўшимча ҳақ (рағбатлантириш) миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

- агар бизнес-режани бажаришнинг асосий параметрлари 90 фоиз ёки ундан кам бўлса, у ҳолда Кузатув кенгаши фаолияти қониқарсиз (паст) деб ҳисобланади ва қўшимча ҳақ (рағбатлантириш) тўланмайди;

- бизнес-режани бажаришнинг асосий параметрлари 90 фоиздан 120 фоизгача бажарилса, Кузатув кенгаши фаолияти қониқарли ҳисобланади ва қўшимча ҳақ (рағбатлантириш) ҳар чоракда асосий (белгиланган) ҳақнинг 2 бараваригача миқдорда тўланади;

- агар бизнес-режани бажаришнинг асосий параметрлари 120 фоиз ва ундан ортиқ бўлса, унда Кузатув кенгаши фаолияти юқори деб тан олинади ва қўшимча ҳақ (рағбатлантириш) ҳар чоракда асосий (белгиланган) ҳақнинг 4 бараваригача миқдорда тўланади.

**36.** Кузатув кенгаши аъзоси (аъзолари) нинг ваколатларини йил давомида муддатидан илгари тугатилганда, қўшимча ҳақ (рағбатлантириш) кенгаш аъзоси вазифаларини бажаришнинг ҳақиқий муддати учун тўлаб берилади.

## **VIII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги**

**37.** Кузатув кенгаши аъзолари Қонунга ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият олдида масъулдирлар.

Кузатув кенгаши аъзолари ўзлари иштирокида қабул қилинган қарорлар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар, бунда, уларнинг сабабли равишда вақтинча ишда бўлмаган (турли таътилларда, хизмат сафарида бўлган) ҳолатлари (иштирок этмаганлари) мустаснодир.

**38.** Жамият Кузатув кенгашининг Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг, Жамият Устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда Жамият иштирокчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори Жамият ана шу иштирокчисининг аризасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**39.** Жамият ёки унинг иштирокчиси Кузатув кенгашининг аъзоси томонидан Жамиятга етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.